В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

МУРАТОВА ХОСИЯТ АБДУВАКИЛЕВНА

НИЛЬРАДИКАЛИ БЕРИЛГАН ЕЧИЛУВЧАН, ҲАМДА УЧ ЎЛЧАМЛИ СОДДА ЛИ АЛГЕБРАСИ БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН ЛЕЙБНИЦ СУПЕРАЛГЕБРАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 512.554.38

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

МУРАТОВА ХОСИЯТ АБДУВАКИЛЕВНА

НИЛЬРАДИКАЛИ БЕРИЛГАН ЕЧИЛУВЧАН, ҲАМДА УЧ ЎЛЧАМЛИ СОДДА ЛИ АЛГЕБРАСИ БИЛАН АССОЦИИРЛАНГАН ЛЕЙБНИЦ СУПЕРАЛГЕБРАЛАРИ ТАСНИФИ

01.01.06 – Алгебра

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/FM441 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И. Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худойбердиев Аброр Хакимович**
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Арзикулов Фарходжон Нематжонович**
физика-математика фанлари доктори

Курбанбаев Туўелбай Кадирбаевич
физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___»_________соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174,Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И. Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (______-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» __________ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» ______________даги __-рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби,ф.-м.ф.н.,
катта илмий ходим

Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга келиб жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолатларда математик физика ва фундаментал алгебранинг асосларини тадқиқ қилиш масалаларига келтирилади. Супералгебраларга бўлган қизиқишнинг кескин ортиши уларнинг физикада бозон ва фермионларни бирлаштириш, ички ва динамик симметриялар гуруҳини бир мажмуага йиғиш ва барча фундаментал кучларни ягона майдон назариясига ўтказиш имконини берганлиги билан асосланади. Ли супергруппалари ва супералгебралари суперсимметриялар назариясида энг кўп қўлланиладиган суперкўпхилликлар бўлиб, Ли суперагебраларининг тузилиш назарияси ва таснифлаш муаммолари ноассоциатив алгебраларнинг муҳим вазифаларидан бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда чекли ўлчамли Ли супералгебралари ва уларнинг умумлашмаси ҳисобланган Лейбниц супералгебраларини тадқиқ қилиш, содда ва ечилувчанлик шартларини қаноатлантирувчи Лейбниц супералгебраларини таснифлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ли алгебралар назариясининг классик теоремаларининг аксарияти Ли ва Лейбниц супералгебралари учун ўринли бўлмаганлиги сабабли, ечилувчан Лейбниц супералгебраларини таснифлаш масаласи нил-эркли дифференциаллашларни топиш ва улар орқали ечилувчан супералгебраларни аниқлашга келтирилади. Бу борада: жуфт қисми берилган Лейбниц супералгебраларини таснифлаш, нильпотент Лейбниц супералгебраларнинг дифференциаллашларини топиш ва ечилувчан Лейбниц алгебраларни тавсиф қилиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган амалий математика, статистик механика, физика ва рақамли иқтисодиёт фанларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда супералгебралар математиканинг турли соҳаларида, айниқса геометрия, топология ва физикада ўзининг янги татбиқларини топишда давом этмоқда. Охирги йилларда нильпотент Лейбниц супералгебраларини таснифлаш ва ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тузилиш назариясини аниқлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Алгебра ва функционал анализ» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида ечилувчан Лейбниц алгебралари ва супералгебралари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оҳирги йиллар давомида Ли супералгебралари назариясида катта илмий натижаларга эришилди. Жумладан, содда ва яримсодда Ли супералгебралари В.Кац, Д.А.Лейтес, Ф.А.Березин, В.С.Ретах ва бошқаларнинг ишларида батафсил таснифланган бўлса, Нильпотент Ли супералгебралари Ю.Хакимжанов, Р.М. Наварро, Л.М.Камачо, М.Гилдлар томонидан ўрганилган. Хусусан, нильиндекси максимал бўлган Ли супералгебраларининг жуфт қисмининг ўлчами 2 га, тоқ қисмининг ўлчами эса тоқ сонга тенг бўлиб, хар бир ўлчамда бундай Ли супералгебралари ягона эканлиги исботланган. Нильрадикали берилган ечилувчан Ли супералгебралари ва уларга доир муҳим фактлар К. Бауенса, Л.Б. Ливен, М.Родригес-Валлерте, Г.Салгадо, О.А.Санчес-Валенсуэла ва бошқаларнинг илмий мақолаларида келтирилган.

Бичизиқли кўпайтма билан аниқланган ноассоциатив алгебра ҳисобланган Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий элементига ўнгдан кўпайтириш оператори дифференциаллаши бўлади. Бундай алгебралар синфи илк марта А.М.Блохнинг ишида келтирилган бўлсада, Ж.-Л. Лоде ва Т.Пирашвилининг циклик гомологияларга оид ишларидан кейингина бу алгебраларга катта қизиқиш пайдо бўлди. Лейбниц алгебраси атамасидан биринчи бўлиб Ж.-Л. Лоде фойдаланган. Лейбниц алгебраларини тадқиқ қилиш масалаларига М. Казас, Р.Курдиани, Ш.А. Аюпов, А.Джумадилдаев, Б.А. Омиров, Х.Р. Гомез ва бошқа олимларнинг ишлари бағишланган. Хусусан, содда ва яримсодда Лейбниц алгебраларининг таърифлари А.Джумадилдаев томонидан киритилиб, содда ва ярим содда Лейбниц алгебраларига мисоллар келтирилган. Бундан ташқари, Лейбниц алгебралари градуировкага, нильиндексига, характеристик кетма-кетлигига шартлар қўйиш ёрдамида Ш.А.Аюпов, Б.А.Омиров, А.Х.Худойбердиев, М.Ладра, М.Казас, Х.Касаз, И.А.Каримжонов, Ж.К.Адашев, К.К.Абдурасулов Х.М.Анкочеа, А.Шабанская, И.С.Рахимов, Д.Барнс, Л.Боско-Дунбар, К.К.Масутова, Е.М.Канэте, М.Инсуа ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ли ва Лейбниц алгебралари ҳамда Ли супералгебраларини ўз ичига олган

Лейбниц супералгебралари Лейбниц алгебрасига Грассман қобиғини таъсир қилиш ёрдамида аниқланган айният орқали характерланади. Бундай супералгебралар учун Лейбниц алгебралари тузилиш назариясидаги маълум фактлар қисман ўринли бўлиб, уларнинг жуфт қисми айнан Лейбниц алгебраси бўлади. Супералгебранинг характеристик кетма-кетлигига, нильиндексига ва ўлчамига қўйилган шартлар ёрдамида нол-филиформ, филиформ ва бошқа қатор нильпотент Лейбниц супералгебралари Ш.А.Аюпов, Б.А.Омиров, А.Х.Худойбердиев, Л.Камачо, Х.Гомез, Р.Наварро, С.Албеверио, Х.Гарсиа-Мартинес ва бошқалар томонидан таснифланган. Хусусан, нильпотент Лейбниц супералгебраларининг максимал нильиндекси $n+m+1$ эканлиги исботланиб, бундай супералгебралар тўлиқ таснифланган. Ечилувчан Лейбниц супералгебраларининг таснифлаш масаласида нильрадикалининг нолинчи даражали дифференциаллашларидан фойдаланиш ўринли эканлиги нильрадикали берилган Лейбниц супералгебраларини таснифлаш имконини берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номидаги математика институтининг ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 рақамли “Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос” + “Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага татбиқлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси, ҳамда институтининг ЁФА-Фтех-2018-79 рақамли «Лейбниц алгебралари тасвирлари мавзусидаги ёшлар илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нильрадикали берилган ечилувчан Лейбниц супералгебралари, ҳамда уч ўлчамли содда Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебраларини таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жуфт қисми уч ўлчамли содда Ли алгебрасига изоморф бўлган Лейбниц супералгебраларини таснифлаш;

нильрадикали берилган ечилувчан Лейбниц супералгебраларини таснифлаш;

нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлаш, ҳамда бундай алгебраларнинг коўлчами максимал бўлганларини когомологик қаттиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти жуфт қисми содда бўлган Лейбниц супералгебралари, ечилувчан Лейбниц супералгебралари; ечилувчан Ли алгебралари; алгебра ва супералгебраларнинг дифференциаллашлари; когомологик группалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети уч ўлчамли Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебралари, нильрадикалининг нильиндекси $n+m$ дан кичик бўлмаган ечилувчан Лейбниц супералгебралари, нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ алгебрадан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда ассоциатив бўлмаган алгебралар назарияси усуллари, структуравий ва когомологик усуллар, шунингдек, чекли ўлчамли алгебралар усуллари ва инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жуфт қисми уч ўлчамли содда Ли алгебрасига изоморф бўлган Лейбниц супералгебралари таснифланган ва тоқ қисмининг ўлчами учдан катта бўлганда бундай супералгебралар Лейбниц алгебраси эканлиги исботланган;

нильрадикали максимал нильиндексли Ли супералгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебралари таснифланиб, унинг тоқ қисми Ли алгебрасига изоморф бўлганда ечилувчан супералгебраси ҳам Ли супералгебраси эканлиги исботланган;

нильрадикалининг характеристик кетма-кетлиги $(n \mid m)$ ва $(n-1, 1 \mid m)$ бўлган, ҳамда нильиндекси $n+m$ га тенг ечилувчан Лейбниц супералгебралари таснифланган;

нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебраларга изоморф бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифланган, ҳамда ко-ўлчами максимал бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг иккинчи тартибли когомологик группалар фазосининг ўлчамлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Диссертацияда қўлланилган усуллар ва олинган натижаларни Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари магистрантлари ва докторантлари учун ноассоциатив алгебралар бўйича ўтиладиган махсус курсларда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, диссертация натижалари ҳар хил типдаги нильрадикалли ечилувчан Лейбниц супералгебраларни таснифлаш, жуфт қисмига соддалик ва ечилувчанлик шартлари қўйилган Лейбниц супералгебраларини ўрганишда бир қатор гипотезаларнинг тўғрилигини текширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, алгебраларнинг бошқа синфларидаги маълум усулларидан, модуллар ва тасвирлар назарияси, супералгебраларининг структуравий назариясидаги фундаментал натижалардан фойдаланилганлиги билан асосланади. Mathematica 12 дастурлаш тилида яратилган махсус дастурлар ёрдамида кичик ўлчамли супералгебраларнинг дифференциаллашларига доир натижалар текширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ечилувчан супералгебраларга оид натижалардан бошқа супералгебралар кўпхилликларини тадқиқ қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олинган натижалардан Лейбниц супералгебраларини таснифлаш ва уларнинг когомологик группаларини ўрганиш масалаларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нильрадикали берилган ечилувчан, ҳамда уч ўлчамли содда Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебралари бўйича олинган натижалар асосида:

нильрадикали максимал нильиндексли Ли супералгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебралари таснифидан ЁФА-Фтех-2018-77 рақамли «Яримсодда ва нильпотент алгебраларнинг когомологик группалари» мавсусидаги фундаментал лойиҳада нильрадикали берилган ечилувчан супералгебраларни таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 29 октябрдаги 2/1255-2983-маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши, нильрадикали берилган ечилувчан Лейбниц супералгебраларини таснифлаш, ҳамда бундай супералгебралар синфи қаттиқ супералгебраларга эга эканлигини исботлаш имконини берган;

нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебраси бўлган ечилувчан Лейбниц алгебралари таснифи ОТ–Ф4–31 рақамли «Нокоммутатив модуллар, Лейбниц алгебралари ва симплексда полиномиал каскадлар» мавсусидаги фундаментал лойиҳада ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 27 сентябрдаги 04/11-5437-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши нильрадикали максимал узунликдаги Ли бўлмаган квази-филиформ Лейбниц алгебрасига изоморф ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлаш, ҳамда нильрадикалининг ко-ўлчами ҳосил қилувчилари сонига тенг бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг қаттиқлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий, 5 таси республика журналларида, шунингдек 9 та маъруза тезислари илмий конференция материалларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисм, ўнта бўлимга бўлинган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, бу қисмда диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«sl_2 Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебралари»** деб номланувчи биринчи бобида Ли ва Лейбниц супералгебралари назариясига оид асосий натижаларни олишда зарур бўлган муҳим тушунчалар келтирилган. Шунингдек, уч ўлчамли содда Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебралари тавсифланган.

1-таъриф. $\mathbb{F}$ майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[x, [y, z]] = [[x, y], z] - [[x, z], y],$$

L алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – L да аниқланган кўпайтириш амали.

Таъкидлаш жоизки, Лейбниц алгебрасида $[x, x]=0$ шарт бажарилганда у Ли алгебраси бўлиб қолади, натижада Лейбниц алгебралари Ли алгебраларининг умумлашмаси эканлиги келиб чиқади.

Маълумки, фақат $\{0\}$ ва G идеалларга эга бўлиб, $G^2\neq\{0\}$ шартни қаноатлантирувчи Ли алгебраси *содда* дейилади.

2-таъриф. Максимал ечилувчан идеали $\{0\}$ га тенг бўлган Ли алгебраси яримсодда дейилади.

Энди Лейбниц алгебраси учун бимодуль тушунчасини келтирамиз.

3-таъриф. M вектор фазо L Лейбниц алгебраси учун қуйидаги учта шартларни қаноатлантирувчи $[-, -] : L\times M \to M$ ва $[-, -] : M\times L \to M$ бичизиқли акслантиришлар аниқланган бўлса, у ҳолда M фазога L-бимодуль ёки тасвир дейилади:

$$[m, [x, y]=[[m, x], y] - [[m, y], x],$$
$$[x, [m, y]=[[x, m], y] - [[x, y], m],$$
$$[x, [y, m]=[[x, y], m] - [[x, m], y].$$

бу ерда $m\in M$ ва $x, y\in L$.

Агар L-бимодуль нолдан фарқли L-қисмбимодульга эга бўлмаса, у ҳолда у *содда* ёки *келтирилмас* дейилади. Шунингдек, L-бимодуль L-қисмбимодулларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ифодаланмаса *ёйилмайдиган* деб аталади.

Д.Барнс томонидан ихтиёрий чекли ўлчамли Лейбниц алгебраси учун содда L-бимодуль симметрик ёки антисимметрик бўлиши таъкидланган.

Антисимметрик L-бимодуль деб $[L,M]=\{0\}$ шартни қаноатлантирувчи L-бимодульга айтилади, барча $x\in L$ ва $m\in M$ элементлар учун $[x,m] = -[m,x]$ шарт ўринли бўлган L-бимодуль эса *симметрик* L-бимодуль деб аталади.

Хусусан, L уч ўлчамли содда Ли алгебрасига изоморф бўлса, у ҳолда M да $\{x_0, x_1,\ldots, x_n\}$ базис мавжуд бўлиб, ушбу базисда алгебранинг кўпайтмаси қуйидаги кўринишлардан бирига келади:

$$N_1:\left\{\begin{array}{ll}[x_i,h]=(n-2i)x_i, & [h,x_i]=-(n-2i)x_i,\\ [x_i,f]=x_{i+1}, & [f,x_i]=-x_{i+1},\\ [x_i,e]=-i(n-i+1)x_{i-1}, & [e,x_i]=i(n-i+1)x_{i-1},\end{array}\right. \qquad N_2:\left\{\begin{array}{l}[x_i,h]=(n-2i)x_i,\\ [x_i,f]=x_{i+1},\\ [x_i,e]=-i(n-i+1)x_{i-1}.\end{array}\right.$$

Алгебралар назариясидан маълумки, Грассман қобиғи ёрдамида ихтиёрий алгебралар кўрҳиллиги учун Z_2-градуирланган алгебраларни, яъни супералгебраларни ҳосил қилиш мумкин. Супералгебралар кўпҳиллигининг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг жуфт қисми айнан шу кўпҳилликдаги алгебра бўлади. Хусусан, Ли ва Лейбниц супералгебраларининг жуфт қисми мос равишда Ли ва Лейбниц алгебраларидан иборат.

4-таъриф. Z_2-градуирланган $L=L_0\oplus L_1$ вектор фазода [-,-] кўпайтма аниқланиб, ихтиёрий $x\in L, y\in L_\alpha, z\in L_\beta$ элементлар учун

$$[x,[y,z]]=[[x,y],z]-(-1)^{\alpha\beta}[[x,z],y] - \text{Лейбниц суперайнияти}$$

ўринли бўлса, у ҳолда $L=L_0\oplus L_1$ Лейбниц супералгебраси деб аталади.

Берилган L супералгебранинг L_0 ва L_1 қисм фазолари мос равишда унинг жуфт ва тоқ қисмлари деб номланади. Супералгебранинг таърифидан L_0 фазонинг Лейбниц алгебраси, L_1 фазонинг эса L_0-бимодуль бўлиши келиб чиқади.

Таъкидлаш жоизки, агарда L Лейбниц супералгебрасининг ихтиёрий $x\in L_\alpha$ ва $y\in L_\beta$ элементлари учун $[x,y]=-(-1)^{\alpha\beta}[y,x]$ айният бажарилса, у ҳолда Лейбниц суперайнияти Якоби суперайниятига айланади. Демак, Лейбниц алгебраси Ли алгебрасининг умумлашмаси бўлгани каби, Лейбниц супералгебраси ҳам Ли супералгебрасининг умумлашмаси ҳисобланади.

Т.Курбанбаев ва Р.Турдибаевларнинг ишларида $V(n_i)=\{v_0^i,\ldots,v_{n_i}^i\}$, $1\le i\le k$ и $n_1\ge n_2\ge\ldots\ge n_k$ содда sl_2-бимодулларнинг тўғри йиғиндиси шаклида ёйилувчи M – sl_2-*би*модуль бўлиб, ёйилмайдиган Лейбниц sl_2-бимодуль бўлиши учун $n_i-n_{i+1}=2$, $1\le i\le k-1$ бўлиши зарур ва етарли эканлиги кўрсатилган, ҳамда бундай sl_2-бимодуллар изоморфизм аниқлигида иккита эканлиги исботланган:

$1\le p\le \frac{k}{2}$ бўлганда

$$M_3:\begin{cases}
[v_i^{2p-1},h]=(n-4p+4-2i)v_i^{2p-1}, & [h,v_i^{2p-1}]=0,\\
[v_i^{2p-1},f]=v_{i+1}^{2p-1}, & [f,v_i^{2p-1}]=0,\\
[v_i^{2p-1},e]=-i(n-4p+5-i)v_{i-1}^{2p-1}, & [e,v_i^{2p-1}]=0,\\
[v_i^{2p},h]=(n-4p+2-2i)v_i^{2p}, & [h,v_i^{2p}]=2(n-2p-i+3)v_{i+1}^{2p-1}-\\
& \qquad -(n-2p-2i+2)v_{i+1}^{2p}-2iv_{i-1}^{2p+1},\\
[v_i^{2p},f]=v_{i+1}^{2p}, & [f,v_i^{2p}]=v_{i+2}^{2p-1}-v_{i+1}^{2p}+v_i^{2p+1},\\
[v_i^{2p},e]=-i(n-4p+1-i)v_{i-1}^{2p}, & [e,v_i^{2p}]=(n-2p-i+3)((n-2p-i+4)\\
& \qquad v_i^{2p-1}+iv_{i-1}^{2p})+i(i-1)v_{i-2}^{2p+1},\\
[v_i^{2p+1},h]=(n-4p+1-i)v_i^{2p+1}, & [h,v_i^{2p+1}]=0,\\
[v_i^{2p+1},f]=v_{i+1}^{2p+1}, & [f,v_i^{2p+1}]=0,\\
[v_i^{2p+1},e]=-i(n-4p-1-i)v_{i-1}^{2p+1}, & [e,v_i^{2p+1}]=0
\end{cases}$$

ва барча $1\leq p\leq \frac{k-1}{2}$, $n=n_1$ учун

$$M_4:\begin{cases}
[v_i^1,h]=(n-2i)v_i^1, & [h,v_i^1]=-(n-2i)v_i^1-2iv_{i-1}^2,\\
[v_i^1,f]=v_{i+1}^1, & [f,v_i^1]=-v_{i+1}^1+v_i^2,\\
[v_i^1,e]=-i(n-i+1)v_{i-1}^1, & [e,v_i^1]=i(n-i+1)v_{i-1}^1+i(i-1)v_{i-2}^2,\\
[v_i^{2p},h]=(n-4p+2-2i)v_i^{2p}, & [h,v_i^{2p}]=0,\\
[v_i^{2p},f]=v_{i+1}^{2p}, & [f,v_i^{2p}]=0,\\
[v_i^{2p},e]=-i(n-4p+1-i)v_{i-1}^{2p}, & [e,v_i^{2p}]=0,\\
[v_i^{2p+1},h]=(n-4p-2i)v_i^{2p+1}, & [h,v_i^{2p+1}]=(n-4p-i+1)v_{i+1}^{2p}-\\
 & \qquad -(n-4p-2i)v_{i+1}^{2p+1}-2iv_{i-1}^{2p+2},\\
[v_i^{2p+1},f]=v_{i+1}^{2p+1}, & [f,v_i^{2p+1}]=v_{i+2}^{2p}-v_{i+1}^{2p+1}+v_i^{2p+2},\\
[v_i^{2p+1},e]=-i(n-4p-1-i)v_{i-1}^{2p+1}, & [e,v_i^{2p+1}]=(n-4p-i+1)((n-4p-i+2)\\
 & \qquad v_i^{2p}+iv_{i-1}^{2p+1})+i(i-1)v_{i-2}^{2p+2}.
\end{cases}$$

Қуйидаги тасдиқда жуфт қисми уч ўлчамли содда Ли алгебрасидан иборат, тоқ қисмининг ўлчами эса 2 га тенг бўлган Лейбниц супералгебраларини таснифини келтирамиз.

1-тасдиқ. Айтайлик, $L=sl_2\oplus L_1$ – Лейбниц супералгебраси бўлиб, L_1 – содда симметрик sl_2-бимодуль, ҳамда $\dim L_1=2$ бўлсин. У ҳолда L қуйидаги Лейбниц супералгебраларидан бирига изоморф бўлади:

$$S_1:\begin{cases}
[e,h]=-[h,e]=2e, & [h,f]=-[f,h]=2f, & [e,f]=-[f,e]=h,\\
[x_0,h]=-[h,x_0]=x_0, & [x_0,f]=-[f,x_0]=x_1,\\
[x_1,h]=-[h,x_1]=-x_1, & [x_1,e]=-[e,x_1]=-x_0,
\end{cases}$$

$$S_2:\begin{cases}
[e,h]=-[h,e]=2e, & [h,f]=-[f,h]=2f, & [e,f]=-[f,e]=h,\\
[x_0,h]=-[h,x_0]=x_0, & [x_0,f]=-[f,x_0]=x_1, & [x_1,e]=-[e,x_1]=-x_0,\\
[x_1,h]=-[h,x_1]=-x_1, & [x_0,x_0]=2e, & [x_1,x_1]=2f,\\
[x_0,x_1]=[x_1,x_0]=h.
\end{cases}$$

2-тасдиқ. Айтайлик, $L=sl_2\oplus L_1$ – Лейбниц супералгебраси бўлиб, L_1 – содда симметрик sl_2-бимодуль, ҳамда $\dim L_1\geq 3$ бўлсин. У ҳолда L Лейбниц алгебраси бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида Лейбниц супералгебрасининг тоқ қисми ёйилмайдиган sl_2-бимодуль бўлган ҳолат ўрганилган.

3-тасдиқ. Айтайлик, $L=sl_2\oplus L_1$ – Лейбниц супералгебраси бўлиб, L_1 – sl_2-бимодуль M_3 ва M_4 бимодуллардан бирига изоморф бўлсин. У ҳолда L Лейбниц алгебраси бўлади.

Диссертациянинг **«Нильрадикаллари берилган ечилувчан Лейбниц супералгебралари»** деб номланган иккинчи бобида нильрадикали максимал нильиндексли Ли супералгебраси ва нильиндекси ўлчамига тенг бўлган Лейбниц супералгебрасидан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебраларининг таснифи олинган.

Маълумки, нильпотентлик ва ечилувчанлик тушунчалари Лейбниц супералгебраси учун ҳам Лейбниц алгебраларидаги каби аниқланади. Бунинг учун мос равишда *қуйи марказий* ва *ҳосилавий* қаторларни келтирамиз:

$$L^1=L,\ L^{k+1}=[L^k, L^1], \qquad L^{[1]}=L,\ L^{[k+1]}=[L^{[k]}, L^{[k]}], \qquad k\geq 1.$$

5-таъриф. Агар бирор $k\in N$ ($s\in N$) сони учун $L^k=0$ (мос равишда, $L^{[s]}=0$) шарт бажарилса, у ҳолда L Лейбниц алгебраси нильпотент (мос равишда, ечилувчан) дейилади.

Бу шартни қаноатлантирувчи энг кичик k сони L алгебранинг *нильпотентлик индекси* ёки *нильиндекси* деб аталади. Таъкидлаш жоизки, иккита нильпотент идеалларнинг йиғиндиси ҳам нильпотент бўлиб, натижада Лейбниц алгебраси ягона максимал нильпотент идеалга эга бўлади ҳамда у *нильрадикал* деб номланади.

Берилган L Лейбниц супералгебрасининг *нильрадикали* деб унинг $[L,L]$ идеалини ўз ичига олувчи максимал нильпотент идеалига айтилади.

Ли ва Лейбниц супералгебраларининг максимал нильиндекси мос равишда $n+m$ ва $n+m+1$ га тенг эканлигини таъкидлаймиз (бу ерда $n=dim\ L_0$, $m=dim\ L_1$). Ж.Гомез, Ю.Хакимжанов, Р.Наварроларнинг ишларида нильиндекси $n+m$ га тенг бўлган ($n+m$) - ўлчамли Ли супералгебралари таснифланган. Шунингдек, $n=2$, m – тоқ эканлиги ва супералгебрада $\{e_1, e_2, y_1, y_2,\dots, y_m\}$ базис мавжуд бўлиб, унинг ушбу базисдаги кўпайтмаси қуйидагича бўлиши исботланган:

$$N_{2,m}:\begin{cases}[y_i,e_1]=y_{i+1}, & 1\leq i\leq m-1,\\ [y_{m+1-i},y_i]=(-1)^{i+1}e_2, & 1\leq i\leq \dfrac{m+1}{2}.\end{cases}$$

Кейинчалик ечилувчан супералгебралар ва алгебраларнинг кўпайтмаларини келтиришда қулайлик учун нильрадикалнинг кўпайтмаларини тушириб қолдирамиз.

4-тасдиқ. Айтайлик, $L=L_0\oplus L_1$ – нильрадикали $N_{2,m}$ бўлган ($m+3$)- ўлчамли ечилувчан Лейбниц супералгебраси бўлсин. У ҳолда L супералгебра қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган супералгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$M_1:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, & [x,x]=e_2,\\ [y_i,x]=-[x,y_i]=(i-\dfrac{m+1}{2})y_i, & 1\leq i\leq m,\end{cases}$$

$$M_2(\alpha):\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, & [e_2,x]=-[x,e_2]=\alpha e_2, \quad \alpha\in\mathbb{C},\\ [y_i,x]=-[x,y_i]=(i-\dfrac{m+1}{2})y_i, & 1\leq i\leq m,\end{cases}$$

$$M_3:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1+e_2, & [e_2,x]=-[x,e_2]=e_2,\\ [y_i,x]=-[x,y_i]=(i-\dfrac{m+1}{2})y_i, & 1\leq i\leq m,\end{cases}$$

$$M_4(b_2,b_4,\ldots,b_{m-1}):\begin{cases}[e_2,x]=-[x,e_2]=2e_2,\\ [y_i,x]=-[x,y_i]=y_i+\sum\limits_{k=1}^{\left[\frac{m-i+1}{2}\right]} b_{2k}y_{i+2k-1}, \quad 1\le i\le m.\end{cases}$$

5-тасдиқ. Айтайлик, $L=L_0\oplus L_1$ – нильрадикали $N_{2,m}$ бўлган $(m+4)$ ўлчамли ечилувчан Лейбниц супералгебраси бўлсин. У ҳолда L супералгебра қуйидаги Ли супералгебрасига изоморф бўлади:

$$M_5:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, & [e_2,x]=-[x,e_2]=(m-1)e_2,\\ [e_1,z]=-[z,e_2]=2e_2, & [e_2,z]=-[z,e_2]=2e_2,\\ [y_i,x]=-[x,y_i]=(1-i)y_i, & 1\le i\le m.\end{cases}$$

Айтайлик, $L=L_0\oplus L_1$ нильпотент Лейбниц супералгебраси бўлсин. Ихтиёрий $x\in L_0$ учун ad_x ўнгдан кўпайтириш операторини қарасак, бу оператор $L_i, i\in\{0,1\}$ фазонинг нильпотент эндоморфизми бўлади. Ушбу ad_x операторнинг Жордан матрицаси катаклари ўлчамларини камаювчи тартибда ёзиш натижасида ҳосил бўлган кетма-кетликни $C_i(x)\ (i\in\{0,1\})$ каби белгилаб, $C_i(L_0)$ тўпламда лексикографик тартиб киритамиз.

6-таъриф. Ушбу $C(L)=\left(\max\limits_{x\in L_0\setminus L_0^2} C_0(x)\,|\,\max\limits_{x\in L_0\setminus L_0^2} C_1(x)\right)$ кетма-кетлик L Лейбниц супералгебрасининг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

Нильиндекси $n+m$ бўлган $(n+m)$ ўлчамли нильпотент Лейбниц супералгебраларининг характеристик кетма-кетлиги $(n\mid m)$ ёки $(n-1, 1\mid m)$ ёки $(n\mid m-1, 1)$ га тенг бўлиши кўрсатилган. Характеристик кетма-кетлиги $(n\mid m)$ бўлган нильпотент Лейбниц супералгебраларида унинг ҳарактеристик кетма-кетлиги $(1, 1\mid 2)$ ёки $(2\mid m)$ бўлиши исботланган, бу ерда m – тоқ сон.

Б.Омиров, А.Худойбердиев ва бошқаларнинг ишларидан нильиндекси $n+m$ га тенг ва характеристик кетма-кетлиги $(n-1, 1|\ m)$ бўлган Лейбниц супералгебралари тўлиқ таснифланган. Хусусан, $m=n-1$ ёки $m=n$ эканлиги кўрсатилиб, L супералгебрада супералгебранинг кўпайтмалари қуйидаги кўринишда эканлиги исботланган:

агар $m=n-1$ бўлса,

$$L(\alpha_4,\alpha_5,\ldots,\alpha_n,\theta):\begin{cases}[e_1,e_1]=e_3, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 2\le i\le n-1,\\ [y_j,e_1]=y_{j+1}, & & 1\le j\le n-2,\\ [e_1,y_1]=\frac{1}{2}y_2, & [e_i,y_1]=\frac{1}{2}y_i, & 2\le i\le n-1,\\ [y_1,y_1]=e_1, & [y_j,y_1]=e_{j+1}, & 2\le j\le n-1,\\ [e_1,e_2]=\alpha_4e_4+\alpha_5e_5+\ldots+\alpha_{n-1}e_{n-1}+\theta e_n, & & \\ [e_j,e_2]=\alpha_4e_{j+2}+\alpha_5e_{j+3}+\ldots+\alpha_{n+2-j}e_n, & & 2\le j\le n-2,\\ [y_1,e_2]=\alpha_4y_3+\alpha_5y_4+\ldots+\alpha_{n-1}y_{n-2}+\theta y_{n-1}, & & \\ [y_j,e_2]=\alpha_4y_{j+2}+\alpha_5y_{j+3}+\ldots+\alpha_{n+1-j}y_{n-1}, & & 2\le j\le n-3,\end{cases}$$

$$G(\beta_4,\beta_5,\ldots,\beta_n,\gamma):\left\{\begin{array}{lll}
[e_1,e_1]=e_3, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 3\le i\le n-1,\\
[y_j,e_1]=y_{j+1}, & & 1\le j\le n-2,\\
[e_1,y_1]=\dfrac{1}{2}y_2, & [e_i,y_1]=\dfrac{1}{2}y_i, & 3\le i\le n-1,\\
[y_1,y_1]=e_1, & [y_j,y_1]=e_{j+1}, & 2\le j\le n-1,\\
\multicolumn{3}{l}{[e_1,e_2]=\beta_4e_4+\beta_5e_5+\ldots+\beta_ne_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[e_2,e_2]=\gamma e_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[e_j,e_2]=\beta_4e_{j+2}+\beta_5e_{j+3}+\ldots+\beta_{n+2-j}e_n, \quad 3\le j\le n-2,}\\
\multicolumn{3}{l}{[y_j,e_2]=\beta_4y_{j+2}+\beta_5y_{j+3}+\ldots+\beta_{n+1-j}y_{n-1}, \quad 1\le j\le n-3,}
\end{array}\right.$$

$m=n$ бўлса,

$$M(\alpha_4,\alpha_5,\ldots,\alpha_n,\theta,\tau):\left\{\begin{array}{lll}
[e_1,e_1]=e_3, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 2\le i\le n-1,\\
[y_j,e_1]=y_{j+1}, & & 1\le j\le n-1,\\
[e_1,y_1]=\dfrac{1}{2}y_2, & [e_i,y_1]=\dfrac{1}{2}y_i, & 2\le i\le n,\\
[y_1,y_1]=e_1, & [y_j,y_1]=e_{j+1}, & 2\le j\le n-1,\\
\multicolumn{3}{l}{[e_1,e_2]=\alpha_4e_4+\alpha_5e_5+\ldots+\alpha_{n-1}e_{n-1}+\theta e_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[e_j,e_2]=\alpha_4e_{j+2}+\alpha_5e_{j+3}+\ldots+\alpha_{n+2-j}e_n, \qquad 2\le j\le n-2,}\\
\multicolumn{3}{l}{[y_1,e_2]=\alpha_4y_3+\alpha_5y_4+\ldots+\alpha_{n-1}y_{n-2}+\theta y_{n-1}+\tau y_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[y_2,e_2]=\alpha_4y_4+\alpha_5y_4+\ldots+\alpha_{n-1}y_{n-1}+\theta y_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[y_j,e_2]=\alpha_4y_{j+2}+\alpha_5y_{j+3}+\ldots+\alpha_{n+2-j}y_n, \qquad 3\le j\le n-2,}
\end{array}\right.$$

$$H(\beta_4,\beta_5,\ldots,\beta_n,\gamma,\delta):\left\{\begin{array}{lll}
[e_1,e_1]=e_3, & [e_i,e_1]=e_{i+1}, & 3\le i\le n-1,\\
[y_j,e_1]=y_{j+1}, & & 1\le j\le n-2,\\
[e_1,y_1]=\dfrac{1}{2}y_2, & [e_i,y_1]=\dfrac{1}{2}y_i, & 3\le i\le n-1,\\
[y_1,y_1]=e_1, & [y_j,y_1]=e_{j+1}, & 2\le j\le n-1,\\
\multicolumn{3}{l}{[e_1,e_2]=\beta_4e_4+\beta_5e_5+\ldots+\beta_ne_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[e_2,e_2]=\gamma e_n,}\\
\multicolumn{3}{l}{[e_j,e_2]=\beta_4e_{j+2}+\beta_5e_{j+3}+\ldots+\beta_{n+2-j}e_n, \quad 3\le j\le n-2,}\\
\multicolumn{3}{l}{[y_j,e_2]=\beta_4y_{j+2}+\beta_5y_{j+3}+\ldots+\beta_{n+1-j}y_n, \quad 1\le j\le n-3.}
\end{array}\right.$$

Қуйидаги теоремаларда нильрадикаллари ёйилмайдиган, ҳамда $L(\alpha_4,\alpha_5,\ldots,\alpha_n,\theta)$, $M(\alpha_4,\alpha_5,\ldots,\alpha_n,\theta,\tau)$, $H(\beta_4,\beta_5,\ldots,\beta_n,\delta,\gamma)$ ва $G(\beta_4,\beta_5,\ldots,\beta_n,\gamma)$ синфлардан олинган ечилувчан Лейбниц супералгебраларининг таснифини келтирамиз.

1-теорема. R – нильрадикали $L(\alpha_4,\alpha_5,\ldots,\alpha_n,\theta)$ синфдан олинган ечилувчан супералгебрага изоморф бўлган Лейбниц супералгебраси бўлин. У ҳолда $\alpha_4 = \alpha_5 = \ldots = \alpha_n = \theta = 0$ бўлиб, R қуйидаги супералгебрага изоморф бўлади:

$$SL: \begin{cases} [e_1, x] = 2e_1, \quad [e_2, x] = 2e_2, \\ [x, e_1] = -2e_1, \quad [e_i, x] = 2(i-1)e_i, \quad 3 \le i \le n, \\ [x, y_1] = -y_1. \quad [y_i, x] = (2i-1)y_i, \quad 1 \le i \le n-1. \end{cases}$$

2-теорема. $L = L_0 \oplus L_1$ – нильрадикали $H(\beta_4, \beta_5, \ldots, \beta_n, \delta, \gamma)$ синфдан олинган супералгебрага изоморф бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебраси бўлсин. У ҳолда

$$(\beta_4, \beta_5, \ldots, \beta_{\mathrm{n}}, \gamma) = \begin{cases} (0, 0, \ldots, 0, \beta_{\frac{\mathrm{n}+3}{2}}, 0, \ldots, 0, \gamma), \quad \mathrm{n} - \text{ток}, \quad \gamma \ne 0, \\ (0, 0, \ldots, 0, \beta_{\mathrm{t}}, 0, \ldots, 0), \quad 4 \le \mathrm{t} \le \mathrm{n}, \end{cases}$$

бўлиб, L қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган супералгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$\begin{matrix} SH_1(\gamma): \\ (n - \text{ток.}) \end{matrix} \begin{cases} H(0, \ldots, \underset{\frac{\mathrm{n}+3}{2}\text{-ўрин}}{1}, \ldots, 0, \gamma), \ \gamma \ne 0, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = 2e_1, \\ [e_2, x] = (n-1)e_2, \\ [e_i, x] = 2(i-1)e_i, \quad 3 \le i \le n, \\ [y_i, x] = (2i-1)y_i, \quad 1 \le i \le n, \\ [x, e_2] = -(n-1)e_2 - 2e_{\frac{n+1}{2}}, \\ [x, y_1] = -y_1, \end{cases} \qquad SH_2(t): \begin{cases} H(0, \ldots, \underset{\mathrm{t}\text{-ўрин}}{1}, \ldots, 0), \ 4 \le t \le n, \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = 2e_1, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = 2(t-2)e_2, \\ [e_i, x] = 2(i-1)e_i, \ 3 \le i \le n, \\ [y_i, x] = (2i-1)y_i, 1 \le i \le n, \\ [x, y_1] = -y_1, \end{cases}$$

$$SH_3: \begin{cases} H(0, \ldots, 0, 1, 0), \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = 2e_1, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = 2(n-2)e_2, \\ [e_i, x] = 2(i-1)e_i, \quad 3 \le i \le n, \\ [y_i, x] = (2i-1)y_i, \ 1 \le i \le n, \\ [x, y_1] = -y_1, \end{cases} \qquad SH_4: \begin{cases} H(0, \ldots, 0, 0, 1), \\ [e_1, x] = -[x, e_1] = 2e_1, \\ [e_2, x] = -[x, e_2] = 2(n-2)e_2, \\ [e_i, x] = 2(i-1)e_i, \quad 3 \le i \le n, \\ [y_i, x] = (2i-1)y_i, \ 1 \le i \le n, \\ [x, y_1] = -y_1. \end{cases}$$

Нильрадикали $M(\alpha_4, \alpha_5, \ldots, \alpha_n, \theta, \tau)$ ва $G(\beta_4, \beta_5, \ldots, \beta_n, \gamma)$ синфлардан олинган ечилувчан Лейбниц супералгебралари ҳам 2.3 параграфда таснифланган. Нильрадикалининг жуфт қисми икки ўлчамли алгебра бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебраларининг таснифи 2.2 параграфда келтирилган.

«Максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебраларининг ечилувчан Лейбниц кенгайтмалари» деб номланган диссертациянинг учинчи боби нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебрасидан иборат бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларини таснифлашга ва улар орасидаги максимал коўлчамли алгебраларнинг иккинчи тартибли когомологияларини ҳисоблашга бағишланган. Бундай ечилувчан алгебралар ичида қаттиқлари аниқланган.

7-таъриф. Айтайлик, L – ўлчами n га тенг бўлган Лейбниц алгебраси бўлсин. Агар $L^{n-2}\neq 0$ ва $L^{n-1}=0$ бўлса, у ҳолда L *квази-филиформ* Лейбниц алгебраси дейилади.

Айтайлик, L чекли сондаги нолдан фарқли фазолардан ташкил топган $\mathbb{Z}$-градуирланган Лейбниц алгебраси бўлсин, яъни $L=\oplus_{i\in Z}V_i$, бу ерда ихтиёрий i, $j\in\mathbb{Z}$ учун $[V_i,V_j]\subseteq V_{i+j}$ бўлади.

Агар $L=V_k\oplus V_{k+1}\oplus\ldots\oplus V_{k+m}$ да барча i $(1\leq i\leq m)$ учун $V_{k+i}\neq\{0\}$бўлса, L нильпотент Лейбниц алгебраси *боғлиқли градуировкага эга* дейилади. Боғлиқли грдуировка учун $len(\oplus L)=m+1$ сони градуировканинг узунлиги дейилади.

$l(L)=max\{len(\oplus L)\ \mid\ L=V_k\oplus V_{k+1}\oplus\ldots\oplus V_{k+m}$ боғлиқли градуировка$\}$ сонига L Лейбниц *алгебрасининг узунлиги* деб аталади.

8-таъриф. Агар $l(\oplus L)=\dim L$ бўлса, L максимал узунликдаги алгебра дейилади.

Максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебралари Ж.Гомез, А.Жименез-Мерчан ва бошқалар томонидан таснифланган:

$$g^1_{(n,1)}:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq n-2,\\ [e_i,e_{n-i}]=(-1)^i e_n, & 2\leq i\leq\dfrac{n-1}{2},\ n\geq 5\end{cases}\qquad n-\text{тоқ};$$

$$g^2_{(n,1)}:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq n-2,\\ [e_i,e_n]=e_{i+2}, & 2\leq i\leq n-3,\ n\geq 5;\end{cases}$$

$$g^3_{(n,1)}:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq n-2,\\ [e_i,e_n]=e_{i+2}, & 2\leq i\leq n-3,\\ [e_2,e_i]=e_{i+3}, & 3\leq i\leq n-4,\ n\geq 7;\end{cases}$$

$$g^1_7:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq 5,\\ [e_2,e_i]=e_{i+2}, & 3\leq i\leq 4,\\ [e_i,e_{7-i}]=(-1)^i e_7, & 2\leq i\leq 3;\end{cases}\qquad g^2_9:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq 7,\\ [e_2,e_5]=3e_7, & [e_2,e_6]=5e_8,\\ [e_2,e_i]=e_{i+2}, & 3\leq i\leq 4,\\ [e_3,e_i]=-2e_{i+3}, & 4\leq i\leq 5,\\ [e_i,e_{9-i}]=(-1)^i e_9, & 2\leq i\leq 4;\end{cases}$$

$$g^3_{11}:\begin{cases}[e_1,e_i]=e_{i+1}, & 2\leq i\leq 9,\quad [e_2,e_i]=e_{i+2},\quad 3\leq i\leq 4,\\ [e_2,e_i]=-e_{i+2}, & 6\leq i\leq 7,\quad [e_3,e_7]=-e_{10},\\ [e_3,e_i]=e_{i+3}, & 4\leq i\leq 5,\quad [e_4,e_i]=e_{i+4},\quad 5\leq i\leq 6,\\ [e_i,e_{11-i}]=(-1)^i e_{11}, & 2\leq i\leq 5,\end{cases}$$

бу ерда $\{e_1,e_2,\ldots,e_n\}$ алгебра базиси.

Нильрадикали N ва тўлдирувчи фазосининг ўлчами s га тенг бўлган барча ечилувчан Лейбниц алгебралари оиласини $R(N,s)$ билан белгилаймиз.

Қуйидаги теоремаларда нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебраси бўлган ва ко-ўлчами бирга тенг ечилувчан Лейбниц алгебраларининг тўлиқ таснифини келтирамиз.

3-теорема. $R(g^1_{(n,1)},1)$ оиланинг ихтиёрий алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$A_1(a_2,b_5,\ldots,b_{n-1}):\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=a_2e_2,\\ [e_i,x]=-[x,e_i]=e_i+\sum\limits_{t=i+2}^{n-1}b_{t-i+2}e_t, \quad 2\le i\le n-2,\\ [e_{n-1},x]=-[x,e_{n-1}]=e_{n-1}+a_2e_n,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=2e_n, \text{ бу ерда } b_{2k}=0,\, 2\le k\le \dfrac{n-3}{2},\end{cases}$$

$$A_2:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1+e_{n-1},\\ [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+2-n)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=(4-n)e_n,\end{cases}$$

$$A_3:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, \qquad [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+1-n)e_i,\ 2\le i\le n-2,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=(2-n)e_n, \quad [x,x]=e_{n-1},\end{cases}$$

$$A_4:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, \qquad [x,x]=e_n,\\ [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-\dfrac{n}{2})e_i, \quad 2\le i\le n-1,\end{cases}$$

$$A_5:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1+e_n, \qquad [e_n,x]=-[x,e_n]=e_n,\\ [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+\dfrac{1-n}{2})e_i, \quad 2\le i\le n-1,\end{cases}$$

$$A_6:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1+e_2, \quad [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-1)e_i,\ 2\le i\le n-2,\\ [e_{n-1},x]=-[x,e_{n-1}]=(n-2)e_{n-1}+e_n, \quad [e_n,x]=-[x,e_n]=(n-2)e_n,\end{cases}$$

$$A_7(b):\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1,\ [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-2+b)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=(n-4+2b)e_n.\end{cases}$$

$A_1(a_2,b_4,\ldots,b_{n-1})$ алгебрадаги $\{a_2,b_4,\ldots,b_{n-1}\}$ параметрларнинг биринчи нолдан фарқлисини бирга олиб келиш мумкин.

4-теорема. $R(g^2_{(n,1)},1)$ оиланинг ихтиёрий алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$B_1(b_4,\ldots,b_{n-1}):[e_i,x]=-[x,e_i]=e_i+\sum_{t=i+2}^{n-1}b_{t-i+2}e_t,\ 2\le i\le n-1,$$

$$B_2:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, \qquad [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+3-n)e_i,\ 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=e_{n-1}+2e_n,\end{cases}$$

$$B_3:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, \quad [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+1-n)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=2e_n, \quad [x,x]=e_{n-1}.\end{cases}$$

$$B_4(b):\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, \quad [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-2+b)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=2e_n, \ b\in\mathbb{C}.\end{cases}$$

$B_1(b_4,\dots,b_{n-1})$ алгебрадаги $\{b_4,\dots,b_{n-1}\}$ параметрларнинг биринчи нолдан фарқлисини бирга олиб келиш мумкин.

5-теорема. Нильрадикали $g^3_{(n,1)}, g^1_7, g^2_9, g^3_{11}$ алгебралардан бирига изоморф ва ко-ўлчами бирга тенг ихтиёрий ечилувчан алгебра мос равишда қуйидаги алгебраларга изоморф бўлади:

$$C_1:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1,\\ [e_i,x]=-[x,e_i]=(i+1)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=2e_n,\end{cases}$$

$$C_2:[e_i,x]=-[x,e_i]=ie_i, \ 1\le i\le 7,$$

$$C_3:[e_i,x]=-[x,e_i]=ie_i, \ 1\le i\le 9,$$

$$C_4:[e_i,x]=-[x,e_i]=ie_i, \ 1\le i\le 11.$$

Таъкидлаш жоизки, барча максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебралари орасида фақатгина $g^1_{(n,1)}$ ва $g^2_{(n,1)}$ алгебраларнинг ко-ўлчами иккига тенг.

6-теорема. $R(g^1_{(n,1)},2)$ ва $R(g^2_{(n,1)},2$ оилаларнинг ихтиёрий алгебралари мос равишда қуйидаги алгебраларга изоморф бўлади:

$$MA:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, & [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-2)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=(n-4)e_n, & [e_i,y]=-[y,e_i]=e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,y]=-[y,e_n]=2e_n, & \end{cases}$$

$$MB:\begin{cases}[e_1,x]=-[x,e_1]=e_1, & [e_i,x]=-[x,e_i]=(i-2)e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,x]=-[x,e_n]=2e_n, & [e_i,y]=-[y,e_i]=e_i, \quad 2\le i\le n-1,\\ [e_n,y]=-[y,e_n]=2e_n. & \end{cases}$$

Энди L Лейбниц алгебрасининг M модули учун $CL^0(L,M)=M$, $CL^n(L,M)=\mathrm{Hom}(L^{\otimes n},M)$, $n>0$ фазоларни қараймиз.

$d^n:CL^n(L,M)\to CL^{n+1}(L,M)$ акслантириш қуйидагича аниқланган

$$(d^n\varphi)(x_1,\dots,x_{n+1}):=[x_1,\varphi(x_2,\dots,x_{n+1})]+\sum_{i=2}^{n+1}(-1)^i[\varphi(x_1,\dots,x_i,\dots,x_{n+1}),x_i]$$

$$+\sum_{1\le i<j\le n+1}(-1)^{j+1}\varphi(x_1,\dots,x_{i-1},[x_i,x_j],x_{i+1},\dots,x_j,\dots,x_{n+1})$$

F-гомоморфизм бўлсин, бу ерда $\varphi\in CL^n(L,M)$ ва $x_i\in L$. d^n акслантириш учун d^{n+1} d^n = 0 хосса ўринли эканлиги $d=\sum_{i\ge 0}d^i$ оператор учун $d\circ d=0$ ўринли эканлигини келтириб чиқаради. Ушбу

$$HL^n(L, M):=ZL^n(L, M)\,/\,BL^n(L, M)$$

фактор фазо L алгебранинг n-тартибли когомологик группаси дейилади. Бу ерда $ZL^n(L, M):= Ker\ d^{n+1}$ ва $BL^n(L, M):= Im\ d^n$ мос равишда n-коцикллар ва n-кочегаралар деб аталади.

Қуйидаги теоремада 6-теоремада келтирилган MA ва MB ечилувчан Лейбниц алгебраларнинг иккинчи тартибли когомологик группалари тривиаллиги кўрсатилади.

7-теорема. $HL^2(MA, MA)= HL^2(MB, MB)=\{0\}$.

Демак, MA ва MB алгебралар Лейбниц алгебралари кўпхиллигида қаттиқ алгебралар бўлади.

5-теоремада келтирилган C_1, C_2, C_3 ва C_4 алгебраларнинг иккинчи тартибли когомологик группаларини ҳисоблаймиз.

8-теорема. Айтайлик, R алгебра C_1, C_2, C_3 ва C_4 алгебралардан бирига изоморф Ли алгебраси бўлсин. У ҳолда $\dim HL^2(R, R)=1$.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация нильрадикали берилган ечилувчан, ҳамда уч ўлчамли содда Ли алгебраси билан ассоциирланган Лейбниц супералгебраларининг таснифлашга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Жуфт қисми уч ўлчамли содда Ли алгебрасига изоморф бўлган Лейбниц супералгебралари таснифланган. Тоқ қисмининг ўлчами иккидан катта бўлганда бундай супералгебралар Лейбниц алгебралари бўлиши исботланган;
2. Нильрадикали максимал нильиндексли Ли супералгебрасига изоморф бўлган ечилувчан Лейбниц супералгебралари таснифланган;
3. Характаристик кетма-кетлиги $(n \mid m)$ ва $(n-1, 1 \mid m)$ бўлган, ҳамда нильиндекси $n+m$ га тенг нильпотент Лейбниц супералгебраларининг ечилувчан кенгайтмаси келтирилган;
4. Нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебрасига изоморф бўлган ечилувчан Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган;
5. Нильрадикали максимал узунликдаги квази-филиформ Ли алгебрасига изоморф бўлган максимал ечилувчан Лейбниц алгебралари иккинчи тартибли когомологик группалари ҳисобланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

МУРАТОВА ХОСИЯТ АБДУВАКИЛЕВНА

КЛАССИФИКАЦИЯ РАЗРЕШИМЫХ СУПЕРАЛГЕБР ЛЕЙБНИЦА С ЗАДАННЫМИ НИЛЬРАДИКАЛАМИ, А ТАКЖЕ СУПЕРАЛГЕБР АССОЦИИРОВАННЫХ С ТРЕХМЕРНОЙ ПРОСТОЙ АЛГЕБРОЙ ЛИ

01.01.06 – Алгебра

АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD) по
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.3.PhD/FM441.

Диссертация выполнена в Институте Математики имени В.И. Романовского.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу http://kengash.mathinst.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу http://www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	**Худойбердиев Аброр Хакимович** доктор физико-математических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Арзикулов Фарходжон Нематжонович** доктор физико-математических наук **Курбанбаев Туўелбай Кадирбаевич** кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «____»__________ 2021 года в ____ на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № ________). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 9. Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан «__» ___________ 2021 года.
(протокол рассылки № __ от «__» __________ 2021 года).

У.А.Розиков
Председатель Научного совета по
присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К.Адашев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.ф.-м.н.,
старший научный сотрудник

Б.А.Омиров
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых
степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день большая часть научных и практических исследований, проводимых во всем мире, в основном сосредоточена на изучении основ математической физики и фундаментальной алгебры. Резкий рост интереса к супералгебрам объясняется их способностью объединять бозоны и фермионы в физике, группировать группы внутренних и динамических симметрий в один комплекс и передавать все фундаментальные силы в единую теорию поля. Супергруппы Ли и супералгебры Ли являются наиболее широко используемыми супермногообразиями в теории суперсимметрий, а структурная теория и проблемы классификации супералгебр Ли являются важными задачами неассоциативных алгебр.

В настоящее время изучение супералгебр Лейбница, которые являются обобщением супералгебр Ли, а также классификация супералгебр Лейбница, удовлетворяющих условиям простоты и разрешимости, имеют большую значимость в теории неассоциативных алгебр. Поскольку большинство классических теорем теории алгебр Ли несправеделивы для супералгебр Ли и Лейбница, то возникает ряд трудностей при изучении разрешимых супералгебр Лейбница, то решение проблемы классификации разрешимых супералгебр Лейбница сводится к нахождению ниль-независимых дифференцирований и описанию их действия на дополняющее к нильрадикалу подпространство. Классификация супералгебр Лейбница с заданной четной частью, нахождение дифференцирований нильпотентных супералгебр Лейбница и описание разрешимых супералгебр посредством ниль-независимых дифференцирований являются важными с точки зрения структурной теории супералгебр Лейбница.

В нашей стране особое внимание уделяется прикладной математике, статистической механике, физике и цифровой экономике, которые являются основополагающими в фундаментальных науках. В частности, за последние годы супералгебры Лейбница продолжают находить новые приложения в различных областях математики, особенно в геометрии, топологии и физике. В последние годы были достигнуты значительные результаты в классификации нильпотентных супералгебр Лейбница и в определении структурной теории разрешимых алгебр Лейбница. Научные исследования на международном уровне по таким важным направлениям математической науки, как алгебра и функциональный анализ, рассматриваются в качестве основной задачи фундаментальных исследований[2]. Для обеспечения реализации указанного постановления важно развивать теорию разрешимых алгебр и супералгебр Лейбница для приложения ее научных результатов в смежных областях науки.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан

---

